

Development Prospects of Economic Cooperation Between  
Republic of Uzbekistan and People's Republic of China

高等教育部和乌兹别克斯坦共和国次生专业教育  
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

中华人民共和国·中国驻乌兹别克斯坦  
EMBASSY OF THE PEOPLE'S REPUBLIC OF CHINA  
IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

经济塔什干州立大学  
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS

经济合作乌兹别克斯坦共和国及发展前景中华人民共和国  
DEVELOPMENT PROSPECTS OF ECONOMIC  
COOPERATION BETWEEN REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
AND PEOPLE'S REPUBLIC OF CHINA

国际科技实践会议  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE

第二部分  
SECOND PART

TASHKENT 2016,  
APRIL 22



乌兹别克斯坦和中华人民共和国/国际科学·实用的会议之间的经济合作的发展前景。TSUE, 4月22日, 2016./印刷: 新疆教育出版社。

**Development Prospects of Economic Cooperation Between Republic of Uzbekistan and People's Republic of China/International scientific-practical conference. TSUE, april 22, 2016./ Printed: Xinjian Education Press.**

責任編輯：

**Responsible editor:**

PhD. M.R. Boltabayev – Rector of Tashkent State University of Economics

編輯委員會：

**Editing Commission:**

PhD. K.B. Akhmedjanov – Prorector of Tashkent State University of Economics

PhD. Luo Qiujiang – President of Xinjiang Agricultural University


PhD. N.G. Karimov – Professor of Tashkent State University of Economics

PhD. LIU Weizhong – Dean of Xinjiang Agricultural University

Ainiwaer Aishan – Senior teacher of Xinjiang Agricultural University

Gulinisa – Senior teacher of Xinjiang Agricultural University

ИСАКОВ Ж.Я.	ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ КРЕДИТЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	141
АЗЛАРОВА А.А.	ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ХИТОЙ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ КРЕДИТЛАРИНИНГ РОЛИ	146
АБДУРАХМАНОВА М.М.	ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИРИ	151
КУРБОНБЕКОВА М.Т., АХМЕДОВА Д.К.	ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	155
РАЗЗАҚОВ Ж.Х.	ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА СИНДИЦИЯЛАШТИРИЛГАН КРЕДИТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	159
MATCHANOVA M.M., KHUSANBOYEV A.G.	THE MAIN PRINCIPLES OF THE PROCESS OF TAX FORECASTING IN UZBEKISTAN	166
ДАВЛАТОВ Э.Б.	КРЕДИТ РИСКНИ БОШҚАРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	172
БОБОЖОНОВ Ж.А., ЯВКАЧЕВА А.З.	ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХИТОЙ ТАЖРИБАСИДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ	178
СУЛТАНОВ М.А., ШАМШИЕВА Н.Н.	ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	182
ЗИЯЕВА М.М.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИДА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИНГ ЎРНИ	186
РУСТАМОВ Н.И.	ХИТОЙДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	191
БАЙХОНОВ Б.Т.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ	196
ИБРАГИМОВА М.М.	НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ	200
Juan YAO, Luming CHENG, Xiaoping SHI,	RESEARCH ON LIVELIHOOD CAPITAL OF HERDERS IN XINJIANG ECOTOURISM AREAS	204



**Н.И. РУСТАМОВ,**  
*ТДИУ катта илмий ходим-изланувчиси*

## **ХИТОЙДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

*В статье проведены тенденции роста валового внутреннего продукта Китая и его основные приоритетные направления. Освещены методологические особенности в расчёте валового внутреннего продукта в Китае.*

*In the given article considered growth trend of Chinese gross domestic product and its main priorities directions and also shined methodological problems in calculation gross domestic product of China.*

*Ключевые слова: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ЯИМ ўсиши суръатлари, “иқтисодий мўъжиза”, ЯИМ ҳажмини ошириш тадбирлари, ЯИМ ҳажмини ҳисоблашдаги методологик муаммолар.*

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи мамлакатлар иқтисодиёти ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. ЯИМ – бу мамлакат ҳудудида бир йил мобайнида ишлаб чиқарилган, ички истеъмолга, экспортга ёки жамғаришга сарфланган барча маҳсулот ва хизматларнинг бозор қийматини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичдир. Халқаро таққослашлар учун ялпи ички маҳсулот хорижий валюталарнинг биржа курслари ва харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланади[1].

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши тенденцияларини таҳлил қиладиган бўлсак, Хитойда охириги марта 1976 йилда ЯИМнинг пасайиши рўй берган. Шу вақтдан бошлаб бу мамлакатда фақат ЯИМнинг ўсиши тенденциялари кузатилади. 1990 йилда Хитой иқтисодиёти осон бўлмаган даврни бошдан кечирди. Шу йилда унинг иқтисодий ўсиши 3,8 фоизни ташкил этди. 1990 йиллардаги иқтисодий ўсиш 6,25 фоизга тенг бўлди. Умуман, 1979 йилдан то ҳозиргача Хитой иқтисодиётининг ўртача ўсиши 9,91 фоизни ташкил этди.

2000 йилда Хитой ЯИМнинг ўсиши бўйича Италиядан ўтди, 2002 йилда Франциядан, 2006 йил – Буюкбританиядан, 2007 йилда Германиядан илгарилаб кетди. 2010 йилда Хитой ЯИМ ўсиши бўйича Японияни ортда қолдирди. Ундан кейинги уч йилда Хитой иқтисодиёти АҚШ дан кейинги 2-ўринда турди. 2014 йилда Хитой АҚШдан ўтиб, иқтисодий ўсиш бўйича рекорд ўрнатди. Бу ўсиш суръатлари “иқтисодий мўъжиза” деб баҳоланди. Ҳозирги вақтда Хитой иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётининг 16,5 фоизини, АҚШ иқтисодиёти эса 16,3 фоизини ташкил этади[2].

2003 йил жаҳон хўжалигида “Хитой йили” деб эътироф этилди. 2003 йил йилда Хитой ялпи ички маҳсулотининг 14 фоиздан юқори суръатда ўсишини таъминлади. Хитойда ЯИМнинг охириги 10 йилдаги ўсиш суръатларини 1-жадвалдан кўриш мумкин.

2013 йилда Хитой ЯИМ ўсиши суръатини узоқ вақтдан кейин биринчи бор камайтирди. Дунё экспертлари бу ҳолатни “иқтисодий мўъжиза”нинг тугаши деб айтдилар. Хитойлик иқтисодчилар эса бунинг вақтинчалик ҳолат эканлигини эътироф этдилар.

“Иқтисодий мўъжиза” ҳақида шўни айтиш мумкинки, бир неча йиллар олдин иқтисодчилар АҚШ нинг Хитой билан ўрин алмашилишини башорат қилгандилар. У 2019 йилда рўй бериши айтилганди. Аммо бу олдинроқ рўй берди ва Хитой иқтисодиёти ҳозиргача юқори ўсиш суръатлари билан дунё ҳамжамиятини ажаблантиришда давом этмоқда. “Иқтисодий мўъжиза” - бирор мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсиб



боришидир. Бу ибора биринчи бор Хитой иқтисодиётига нисбатан қўлланилаётган йўқ. Бунгача дунё Бразилия мўъжизасини, Мексика, Испания, Япония, Италия ва бошқа мамлакатлар мўъжизаларини кўрган. Баъзи манбаларда Ўзбекистон мўъжизаси ҳақидаги маълумотлар ҳам пайдо бўлмоқда[3].

1-жадвал

2006-2015 йиллар Хитойда "Иқтисодий мўъжиза"нинг ўсиш суръати

Йиллар	Ўсиш суръати	Йиллар	Ўсиш суръати
2006	11,1	2011	9,2
2007	14,2	2012	8,9
2008	9,6	2013	7,8
2009	9,2	2014	7,3
2010	10,4	2015	6,9

Манба: [www.aznur.uz](http://www.aznur.uz).

Хитойдаги "иқтисодий мўъжиза"нинг фарқли томони шундаки, у жаҳон иқтисодиётида биринчи марта узоқ вақт давомида сақланиб турилган АҚШ даги барқарор ўсиш кўрсаткичидан илгарилаб кетди. Бу фелемоннинг бошланиши 1978 йилга бориб тақалади, шу йилдан бошлаб Хитой иқтисоди ҳар 7,5 йилда 2 баробарга ўсмоқда. Агар чуқур уйлайдиган бўлсак, Хитой иқтисодиётида мўъжиза рўй беришининг сабабларини тушиниб етиш мумкин. Очлик, ишсизлик, дунёдаги энг арзон ишчи кучи-буларни ҳаммаси Хитойда ўтган асрнинг 70-йилларида рўй берган ва бу ҳолат Хитойни юқори иқтисодий ўсишга эришишга ундаган. Лекин, орадан 38 йил вақт ўтди Хитойда шунча вақт оралиғида иқтисодий ва сиёсий ислохотларни самарали амалга ошириб келмоқда. Иқтисодчилар ҳозиргача бунинг қандай рўй берганини таҳлил қилиш билан шуғулланмоқдалар.

Хитой харид қобилияти поритети бўйича ҳисобланган ЯИМ бўйича АҚШ дан ўтиб кетган, лекин валютанинг бозор курслари бўйича ҳисобланган ЯИМ бўйича АҚШдан орқада қолмоқда. Айтиш керак, харид қобилияти поритети бўйича ҳисобланган ЯИМ аниқ кўрсаткич ҳисобланади ва расман Хитой иқтисодиёти дунёда энг йирик иқтисодиёт сифатида тан олинган.

Халқаро валюта фондининг башоратларига кўра харид қобилияти поритети бўйича ҳисобланган ЯИМ бўйича Хитой ва АҚШ ўртасидаги фарқ катталашиб боради. Яқин йиллар ичида бунинг кузатиб бориш анча қизиқарли бўлади. Экспертлар кейинги йилда бу фарқ 900 трлн. долларни ташкил этади ва Хитойнинг фойдасига ҳал бўлади деб айтганлар.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда Кейнс назарияларига асосланган ҳолда бюджет дефицити сиёсатининг олиб борилиши Хитой учун юқори натижаларни олиб келмоқда. Хитой бугунги кунда аҳоли сони жиҳатидан жаҳондаги энг йирик давлат ҳисобланади ва тўхтовсиз равишда кўпайиб бораётган аҳолисини истеъмол товарлари билан тўлиқ таъминлашга эришди.

Хитой социалистик тузум ғояларини бузмаган ҳолда бу даражадаги юқори иқтисодий натижаларга эришган ягона давлатдир. Шу билан биргаликда, бозор усулида хўжалик юритишни ўзлаштиришдаги энг илғор давлат ҳамдир. Хитой ҳукумати раҳбарлари иложи борича, бошқа давлатлар тажрибасида кузатилган иқтисодий хатоларни такрорламасликка ҳаракат қилгани ҳолда, барча янгиликларни ўз иқтисодиётларида синаб кўришдан чўчимаяпти. Бундан ташқари Хитойда ислохотлар натижасида келиб чиқадиган камчиликларни бартараф этиш жадал йўлга қўйилган[4].




Мамлакатнинг иқтисодиёти ҳозиргигача “2006-2015 йиллар учун дастур” асосида ривожланиб келди. Бу дастур ўз ичига макроиқтисодиётни ривожлантириш ва барча иқтисодий кўрсаткичларни йилдан-йилга ошириб боришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини олган эди.

Хитой ЯИМнинг ўсиши бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бири бўлиб турибди. Хитойда 2015 йилда ЯИМ ўсиши 6,9 фоизни ташкил этди, 2014 йилда бу кўрсаткич 7,3 фоизни ташкил этганди. 2015 йилдаги ЯИМ ўсиши охириги 25 йил ичидаги энг паст ўсиш сўъати бўлди. Хитойда 2015 йилда ЯИМ ҳажми 67,670 трлн. юанни ёки 10,3 трлн. долларга тенг бўлди. Хусусан, ЯИМ ўсиши биринчи чоракда 7 фоизни, иккинчи чоракда 7 фоизни, учинчи чоракда 6,9 фоизни ва тўртинчи чоракда 6,8 фоизни ташкил этди.

2014 йилда Хитойнинг ЯИМ ўсиши АҚШнинг мазкур кўрсаткичидан юқори бўлди. Бу билан Хитой дунёдаги энг йирик иқтисодиётга эга бўлган давлатга айланди. Халқаро Валюта Фонди маърузасида келтирилганидек, 2014 йил Хитойда ЯИМ 17,6 трлн. долларни, АҚШ эса 14,4 трлн. долларни ташкил этди. АҚШ иқтисодиёти биринчи бор жаҳон иқтисодиётидаги етакчилик ўрнини Хитойга бўшатиб берди.

Хитойда ЯИМнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг тармоқ таркибида саноатнинг улуши 40 фоизни ва қишлоқ хўжалигининг улуши 10 фоизни ташкил этмоқда (1-расм).




1-расм. Хитойда ЯИМнинг тармоқлар бўлини таркиби.

Манба: Хитой Республикаси Ҳукумати, «Хитойнинг иқтисодиёти 2016 йилда» — 2016 — 25-б.

Хитойда ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш бўйича таркибида истеъмолнинг улуши 41,32 фоизни ташкил этгани ҳолда инвестицияларнинг улуши 42,69 фоиз бўлди. Бунини 2-расм орқали кўриш мумкин.

Хитойда 2016 йилда ялпи ички маҳсулот 6,5 фоиздан кам бўлмаслиги кутилмоқда. Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин Хитой иқтисодиётининг 13-беш йилликдаги (2016-2020 йиллар) кўрсаткичлари ҳақида эълон қилиб, йиллик ўсиш сўъатлари 6,5 фоиздан кам бўлмаслиги лозимлигини таъкидлади, 2020 йилга бориб ЯИМ ўсишини 2010 йилгига нисбатан икки баробарга кўпайтириш ва аҳоли турмуш даражасини икки баробарга ошириш вазифалари белгиланганини айтиб ўтди.



2-расм. 2015 йилда ЯИМнинг тақриб қилбди чи қариниш бўйича тақсир

Мавжуд бўлган маълумотларга асосан, 2015 йилда экспортнинг ўсиши 4.2% бўлди.

Хитойда юқори ўсиш суръатларига қандай шароитда эришилаётганини ҳам инобатга олиш керак. Ҳозирги кунда халқаро савдо секинлашмоқда, молиявий таваккалчилик ошмоқда. Бу каби омиллар Хитой иқтисодиётига таъсир этмоқда. Хитойда иқтисодий ўсиш суръатларининг охириги йилларда бироз пасайиши ички ва ташқи талабларнинг камайиши, инвестицияларнинг сустлашиши, ишлаб чиқариш қувватларининг пасайиши билан боғлиқ, бу омиллар иқтисодиётга дефляцияон кучларнинг босимини оширади.

Экспертларнинг фикрига кўра, ҳукумат 2016 йилда иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаши учун Хитой марказий банкига пул-кредит тизимини рағбатлантиришга қаратилган фискал сиёсатни амалга оширишни таклиф этиши мумкин. (Бу иқтисодиётдаги фаолликни рағбатлантириш мақсадида қисқа муддатли фоиз ставкаларини пасайтириш орқали намоён бўлади.) Мазкур тадбир орқали мамлакатда амалга оширилаётган таркибий ислохотларнинг таъсири юмшатилади.

Хитойда ЯИМ ўсиши бўйича жуда юқори қадрланадиган натижаларга эришилган бўлсада, лекин бу борада баъзи муаммоли томонлар ҳам мавжуд.

Хитой аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолмоқда, бу – мамлакатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қийматини мамлакат аҳолиси сонига бўлиш орқали топиладиган кўрсаткич ҳисобланади. Бу макроиқтисодий кўрсаткич ҳам мамлакат иқтисодиётининг ҳолатини баҳолаш учун муҳим ҳисобланади[5]. 2014 йил Хитойда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 7600 долларга тенг бўлди. Бу бўйича Хитой дунёда 99-ўринда турибди. Таққослаш учун АҚШ да аҳоли жон бошига ЯИМ 54,7 минг долларни ташкил этади. Бу ҳолат Хитой келажакда нимага эътибор қаратиши кераклигини кўрсатади.

Хитойда ЯИМни ҳисоблашда методологик муаммолар ҳам мавжуд. Хитой ҳукумати ЯИМни ҳисоблаш бўйича янги методологига ўтиш ҳаракатларини олиб бормоқда. ЯИМни ҳажминини ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган баъзи камчиликларни тўзатишга эътибор қаратапти, бунинг натижасида ўтган йилнинг сентябрь ойида статбюро халқаро стандартларни қўллаш ва маълумотлар аниқлигини ошириш учун мамлакатда ЯИМни ҳисоблаш методологиясини ўзгартириш тўғрисидаги қарор қабул қилди ва бу бўйича бошқа зарурий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўйлаймизки, Хитойда ЯИМни ҳисоблашдаги бу каби методологик муаммолар тез орада ўзининг тўлиқ ечимини топади ва мазкур мамлакатнинг иқтисодиёти янада юқори суръатлар билан ўсиб, дунёдаги етакчилик мақомини мустаҳкамлайди.



### Фойдаланилган адабиётлар

1. Носова С.С. Макроэкономика. Учебное пособие. М.:КНОРУС, 2014 г., с.33
2. Василенко Е. Китай – рекордсмен мира по ВВП. //Китайские Пространства. №1. 2015 г.
3. Попов. В.В. Экономическое чудо переходного периода: как Узбекистану удалось то, что не удалось ни одной постсоветской экономике. //Новой экономической ассоциации. №1. 2014 г.
4. Гельбарс В. Россия и Китай в условиях глобального кризиса. // Мировая экономика и международные отношения. № 11, 2011. ст. 66.
5. Вахобов А.В., Тажибаева Д.А. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. – Т., 2010.
6. Лянь Хуа. Великая Эпоха (The Epoch Times). 19.01.2016.